

# **ЖАВУДАВЛАТНИНГ ЕРГА ЭГАЛИК КИЛИШ ҲУҚУКИ РЕЖА:**

- 1. Давлатнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуки тушунчаси ва унинг умумий тавсифи.**
- 2. Давлатнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуки субъектлари.**
- 3. Давлат ер фонди давлатнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуки обьекти сифатида.**
- 4. Давлатнинг ерга эгалик қилиш ҳуқукининг мазмуни.**

Республикамиз мустақилликка әришгач бозор муносабатларини жорий этишга қаратилған ислохатлар натижасида, ер участкаларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи аста секинлик билан жорий этила бошланди. Бунда асосий ургу фуқароларнинг ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини белгиловчи қонунчилик тизимини ривожлантиришга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий ислохатларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу соҳадаги дастлабки қадамлардан бири эди. Ушбу фармон биринчи маротаба "савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, шунингдек, улар жойлашган ер участкаларини жисмоний ва юридик, шу жумладан, хорижий шахсларга хусусийлаштириладиган объектларни сотиб олишда улар фойдаланадиган маблағларнинг манбалари бўйича декларацияни улардан талаб қилмаган холда танлов асосида хусусий мулк қилиб сотишга рухсат" берди

Давлат раҳбарининг 1994 йил 20 ноябрдаги “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги фармонида “туман ва шахарларнинг хокимликлариға фуқароларнинг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун якка тартибда уй-жой қуришга 0,04 гектаргача, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишга 0,06 гектаргача ер майдонини кимошди савдоси асосида сотишга рухсат” берилиши фуқароларнинг ерга нисбатан мулк ҳуқуқини амалда мустахкамланишига асос бўлди. Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган “Савдо ва хизмат кўрсатиш сохаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда хам да ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида Низом» ер майдонларини хусусий мулк сифатида сотиш тартибини белгилади. Унга кўра сотиш тегишли хокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган ер майдонларини хусусий мулк сифатида сотиш хакидаги қарорларни тақдим этишгандан кейин Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Фуқароларнинг ерга нисбатан мулк ҳуқуқини қонуний асослари 2006 йил 24 июлдаги “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари хам да иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Республика Президенти Фармони билан янада такомиллашди. Чунки, ушбу фармон иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг ролини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун қулай шартшароитлар яратиш хамда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустахкамлаш, хусусийлаштирилган корхоналар билан банд бўлган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек уй-жой бозори ва ипотеқани ривожлантириш учун кучли раѓбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш мақсадида “2008 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари - резидентларига якка тартибда уй-жой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи”ни берди.

Бу фармон асосида хусусийлаштирилган ер участкаси билан боғлиқ муолажалар доираси фуқаролар учун чекланмайди. Улар ер участкасини сотиб олишлари, сотишлари, айирбошлашлари, хадя қилишлари, мерос қилиб қолдиришлари, бошқа шахсларга фойдаланишга ёки ижарага беришлари мумкин. Ер участкаси банклар ва бошқа кредит муассасаларидан кедит олиш учун гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин. Фуқаролар учун ер участкасини хусусийлаштириш муддати чекланмаган. Улар ўзларининг ер участкаларини кейинги йилларда хам хусусийлаштиришлари мумкин. Унга қадар фуқаролар ер участкаларидан умумий асосларда доимий фойдаланиш ва мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик хуқуқи билан фойдаланишлари мумкин.

Мазкур фармон халқимиз хәтида мухим амалий ахамият касб этади. Бу фармонни амалда қўллаш механизми Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси, "Давархитектқурилиш" давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргалиқда 2006 йилнинг 1 октябригача ишлаб чиқилиши назарда тутилган Юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш хам да бозор қийматини белгилаш тартиби тўғрисидаги, Бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкалари, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган уларга туташ участкаларнинг чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги, Якка тартибда уйжой қуриш ва тураржой биносига хизмат кўрсатиш учун бериладиган ер участкаларини хусусийлаштириш ва уларнинг бозор қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомларда акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 18-моддасида ер участкасини хусусий мулк ҳуқуқи асосида бериш холлари белгиланган. Шуни айтиб ўтиш лозимки, амалдаги қонун хўжжатларига мувофиқ факт мазкур нормада қайд этилган холлардагина ер участкасига нисбатан юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк ҳуқуқи вужудга келиши мумкин

Шундан келиб чиқсан холда, ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг субъектлари бўлиб, ер ва бошқа кўчмас мулкдан маҳсус йўналишда фойдаланадиган юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.